

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари

СамДУ «Иқтисодий назария» кафедраси доценти, и.ф.н. Ш.Кувондиқов
СамДУ «Иқтисодий назария» кафедраси магистранти А.Собиров

Резюме

Ушбу мақолада Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилган. Минтақада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва истиқболда ривожлантиришнинг инновацион концепсияси таклиф этилган.

Калим сузлар: хизмат кўрсатиш ва сервис, ҳудудий дастур, концептуал йўналишлар, инновация, ағнавий хизматлар.

Резюме

В данной статье рассмотрены теоретические и практические рекомендации по развитию сферы услуг в Самаркандской области. Обосновано место в социально-экономическом развитии сервисных и платных услуг, даны инновационные концепции по дальнейшему развитию сферы услуг в региональном аспекте.

Ключевые слова: обслуживание и сервис, территориальная программа, концептуальное направление, инновация, традиционные услуги.

Resume

Theoretical and practical recommendations on development of the services' sphere in Samarkand region are analyzed in the given article. Role of services and payable services in the socio-economic development is scientifically justified; innovation concepts on further development of the services' sphere in the regional aspect are provided.

Keywords: maintenance and service, regional program, conceptual direction, innovation, traditional services.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги масалаларининг ҳал бўлишини таъминлашда муҳим омилдир.

Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари салоҳиятини ривожлантириш сингари масалаларни кўзда тутиш лозим.

Бу борада «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»га кўра, 2016 йилга қадар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54–56 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ

жойларда одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора тадбирлари белгилаб қўйилган[1]. Шу асосда 2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва Сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди. Ушбу яратилган чора-тадбирлар натижасида 2013-йилда, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши еса 2000-йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради[2].

Демак, энди хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривож топади. Унинг истиқболига тўхталишдан олдин шу хизмат кўрсатиш ва сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. Чунки, юқоридаги номи зикр этилган меъёрий ҳужжатларда «хизмат кўрсатиш» ва «сервис» тушунчалари кенг қўлланилган. Шу жиҳатдан ушбу тушунчалар мазмунига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчалар маъносига турлича қарашлар мавжуд. «Сервис инглизча *service* сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ни англатади [3]. Русча - ўзбекча луғатда «сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)», деб кўрсатилган[4]. Бошқа адабиётларда[5] ҳам ҳудди шундай таърифланган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир.

Хизмат соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади. Хизмат соҳаси биринчи галда бевосита иқтисодий–ижтимоий фаолият бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади:

- таъкидланганидек, ЯИМ (ЯХМ) ишлаб чиқаришда иштирок этади;
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи субъектлар сифатида шаклланади;
- миллий бозорни хизматлар билан тўлдириб боради ва унга бўлган талабни қондиришга имконият яратади;
- аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлайди;
- хусусий тадбиркорлар ва бошқа нодавлат ва давлат инвесторлари маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини яратади;
- хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш эвазига аҳоли фаровонлигини оширади.

Бундай мураккаб иқтисодий муносабатларнинг содир бўлишини таъминлаш бевосита ушбу соҳада хусусий мулкнинг аҳамиятини оширишни таққозо этади.

Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган[6]. Булардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишларини таклиф этиш мумкин:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қўллай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш вазифаси қўйилган;

- хизматлар ва сервис соҳасида, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, 2012-йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади;

- вилоятда хизматлар экспортини кўпайтириш, корхоналарнинг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришишда соҳага инновацияларни кенг жорий этиш;

- энг муҳими, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражадаги ижобий таъсирини ошириб бориш;

- хизматлар ҳажмини юқори сураътларда ўсишини таъминлаш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2016 йилда 54-56 фоизга етказиш;

- қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

- анъанавий хизматлар турини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш;


- хизматларнинг янги истиқболли ва инновацион фаолиятни талаб этадиган турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал ривожлантириш;

- хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришда соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Вилоятда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ушбу тадбирлар асос бўлиб қолади. Чунки, бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирларни ва вазифаларни батафсил бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарори билан тасдиқланган «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу дастур кенг қўлланма бўлиб, унда ҳар бир мутасаддига аниқ вазифалар белгилаб берилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ушбу дастурдан келиб чиқиб, ўзларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадилар ва унинг бажарилиши мунтазам мониторинг қилиб борилади.

Ушбу қарорга мувофиқ қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойлардаги якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган корхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилиши белгилаб берилган.

Соҳанинг ривожланиши учун белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари барқарор суръатларда ривожланиб бормоқда (1-расм).



1-расм. Самарқанд вилоятида 2009-2012 йилларда жами хизматлар ҳажмининг ўсиши (млрд. сўм)

Ушбу 1-расм маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган 2009-2012 йиллар давомида жами хизматлар ҳажми кескин суратларда ўсиб бормоқда. 2012 йилда хизматлар ҳажми 2493,1млрд. сўмни ташкил қилиб, 2009 йилга нисбатан 74,5 фоизга ошган. Бу эса пуллик хизматлар таклифи ошаётганлиги, янги хизматлар бозорининг пайдо бўлаётганлиги, хусусий секторнинг ривожланиши, аҳоли даромадларининг кўпайиб бориши ва ҳудудий иқтисодий вазият яхшиланиб боришидан далолатдир. Бундай ўсиш 2013 йилда ҳам рўй бериши кутилмоқда.

Қуйидаги жадвалда барча турдаги хизматларнинг 2010-2012 йиллардаги ҳолати келтирилган (1-жадвал).

**Самарқанд вилоятида 2010-2012 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш
соҳасидаги таркибий ўзгаришлар**

	Кўрсаткичлар	2010	2011	2012 й.	2012 й. 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
					±	%
	Жами хизматлар	1956,1	2284,1	2493,1	537	127,4
	<i>шу жумладан,</i>					
	Савдо ва умумий Овқатланиш хизматлари	290,6	509,6	624,8	334,2	2,2 м
	Транспорт хизматлари	299,7	345,2	417,3	117,6	139,2
	Алоқа ва Ахборотлаштириш хизматлари	66,1	124,2	165,7	99,6	2,5 м
	Молиявий хизматлар	96,2	136,2	164,8	68,6	171,3
	Туризм хизмати	13,1	11,9	13,3	0,2	101,5
	Меҳмонхона хизматлари	7,0	9,2	11,1	4,1	158,6
	Коммунал хизматлар	232,1	337,4	338,7	106,6	145,9
	Маиший хизматлар	35,1	44,2	50,4	15,3	143,6
	Автомобил ва бошқа маиший техник таъмирлаш	31,5	37,1	43,9	12,4	139,4
	Бошқа хизматлар	356,7	401,5	454,1	97,4	127,3

Манба: Самарқанд вилоят Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари.

Шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳам таҳлил қилинаётган йилларда мунтазам ошиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш ҳажмида энг салмоқли улуш, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (27,4 фоиз), транспорт хизматлари (18,3 фоиз) ва бошқа хизматлар (19,9 фоиз)га тўғри келмоқда. Ушбу жадвалда туризм ва меҳмонхона хизматларининг улуши кам салмоқга эга эканлиги куришиб турибди. Бундай ҳолат туризм салоҳияти бўйича катта имкониятга эга бўлган Самарқанд вилояти учун хали етарли эмас, албатта. Ушбу хизмат туридан олинadиган даромадларни ошириш учун туристик объектлар жозибadorлигини ва меҳмонхона хизматларини кенгайтириш ишларини жонлантириш лозим булади.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида аҳолининг бандлигини барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этиш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилган. Президентимизнинг юқоридаги қарорига асосан аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига, Ўзбекистон республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари

ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлик даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бу борада, вилоятда кичик корхоналар ва микрофирмаларда янги иш жойларини яратиш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. 2012 йилда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига биноан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 18580 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган бўлса, амалда 18643та янги иш ўринлари ёки режа курсаткичи 100,3% га (63та куп) бажарилган (2-жадвал). Ушбу жадвал маълумотларидан куриниб турибдики яратилган янги иш ўринларининг 52,4 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2-жадвал.

Самарқанд вилоятида 2011-2012 йил 1 январ ҳолатига кичик корхона ва микрофирмаларда ташкил қилинган янги иш жойлари

№	Кўрсаткичлар	2011 йил			2012 йил		
		Дастур	Амалда	%	Дастур	Амалда	%
1	Саноатда	9329	8914	5,6	9809	9834	100,3
2	Уй-жой қурилиши ва таъмирлашда	7197	7013	7,4	7022	7057	100,5
3	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси	15129	15083	9,7	18580	18643	100,3
	Жами	31655	31010	8,0	35411	35534	100,3

Манба: Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Хизматлар ва сервис соҳаларининг ривожланиб бориши меҳнат бозорида ортиқча ишчи кучининг иш билан банд бўлишини таъминламоқда, маҳаллий бюджетга солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда муҳим рол ўйнайди. 2012 йилда Самарқанд вилоятида жами аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 2493,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 17,1% га ўсган. Шундан аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 1081,8 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 16,4% га ўсишга эришилган[7].

Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес субъектларининг роли алоҳида аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда, вилоятда иқтисодий фаол корхоналарнинг асосий қисмини кичик бизнес субъектлари ташкил этиб, уларнинг умумий сони 11029 тани ташкил этади. Бунда айнан хизмат курсатиш ва сервис соҳасига ихтисослашган кичик бизнес субъектлари катта муваффақият билан ажралиб туради. Уларнинг сони 5611

тани ёки бошқача айтганда фаолият юритаётган кичик бизнес ва микрофирмалардаги улуши қарийб 51 % ни ташкил этади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш жоизки хизмат соҳалари вилоят иқтисодиётининг муҳим соҳасига айланиб бормокда. Шу муносабат билан, шаҳар ва қишлоқларда хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг инновацион йўналишларини ҳаётга тадбиқ этишда қуйидагиларни инобатга олиб ёндашиш мақсадага мувофиқдир:

- миллий қадриятларимизга кўра, анъанавий хизматлар ва касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини тиклашни рағбатлантириш ва ривожлантириш;

- миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги оилавий корхоналарни тиклашда, уларга ўз фаолиятларини бошлаб олиши учун зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлашда имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат соҳаларида рақобатбардошликни оширишда инновацион фаолиятни жонлантириш зарурияти соҳа олдидаги муҳим вазифа сифатида қаралиши лозим. Бу эса хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича иқтисодий жihatдан ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиш имкониятини яратади.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2012 йил 10 май ПҚ-1754-сонли Қарори
2. Каримов И.А. 2014йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини исчил давом этириш йили бўлади. 2014йил 17 январ Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
3. Словар иностранных слов. -16- е из.,испр.-М.: Рус яз.. 1988 -461 Б
4. Русча-узбекча луғат. 2-том. Т.: 1984. – 410 Б.
5. Қудратов Ғ.Ҳ., ПардаевМ.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”.Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 12 Б.
6. «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) Президентн Қарори.
7. www.stat.uz. (Уз.Р Давлат Статистика Кумитасининг расмий веб сайти).